

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлигида  
2013 йил 29 июлда 2496-сон  
билан рўйхатга олинган  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Давлат тест маркази директорининг  
2013 йил 2 июлдаги  
01-236-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги  
Ҳарбий-тиббиёт факультетига номзодларни  
қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш  
ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Муқаддима

I боб. Умумий қоидалар

II боб. Тест синовларини ўтказишга  
тайёргарлик кўриш ва ўтказиш

III боб. Тест синовлари натижаси бўйича  
берилган апелляцияларни кўриб чиқиш

IV боб. Яқуний қоида

1-илова. 1-шакл. Абитуриентлардан тушган аризалар ҳақида маълумот

2-илова. Титул варақаси

3-илова. Абитуриент рухсатномаси

4-илова. 1-шакл. Абитуриентларнинг умумий рўйхати

2-шакл. Абитуриентларга рухсатномаларни тарқатиш қайдномаси

5-илова. 1-шакл. Бинонинг тест синовларига

тайёрлиги тўғрисидаги баённома

2-шакл. Бино ҳудудига киришга рухсат берилган Давлат  
тест маркази вакиллари, видеооператор, аудитория

раҳбарлари ва кузатувчилар рўйхати

3-шакл. Бинода репетиция ўтказиш баённомаси

6-илова. Титул варақалари солинган пакетни очиш ҳақида далолатнома

7-илова. 1-шакл (намуна). Тест синови ўтказиладиган бино,  
қават ва аудиторияларнинг режа-чизмаси

2-шакл (намуна). Биноларнинг жойлашиш схемаси

3-шакл (намуна). 1-биносининг асосий жойлашиш схемаси

4-шакл (намуна). 1-биноси 2-қаватида аудиторияларнинг  
жойлашиш схемаси

5-шакл (намуна). Тест синовлари ўтказиладиган

бинолар тўғрисида умумий маълумот

6-шакл. Абитуриентларнинг аудиториялардаги

ўтириш ўринлари сони ҳақидаги маълумот

7-шакл. Абитуриентларни ўтириш ўрнини рақамлаш намунаси

8-илова. Бино вакилларининг бинолар бўйича тақсимооти

9-илова. Бинолар бўйича тест материалларини

тарқатиш ва қабул қилиш баённомаси

- 10-илова. 1-шакл. Қават вакили ҳисоботи
- 2-шакл. Бино вакили ҳисоботи
- 3-шакл. Муассаса вакили ҳисоботи
- 11-илова. 1-шакл. Қават вакили, аудитория раҳбарлари ва кузатувчилар тақсимоти
- 2-шакл. Тест синовларига келмаган Давлат тест маркази вакиллари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари тўғрисида далолатнома
- 12-илова. Абитуриентларнинг бино ва гуруҳлар бўйича умумий рўйхати
- 13-илова. 1-шакл. Бинода тест материалларини тарқатиш ва қабул қилиш баённомаси
- 2-шакл. Захира тест материалларини тарқатиш баённомаси
- 14-илова. Аудиторияда тест синовини ўтказиш баённомаси
- 15-илова. Абитуриентларнинг аудиториялар бўйича рўйхати
- 16-илова. Олий таълим муассасаларига кирувчилар учун саволлар китоби
- 17-илова. Жавоблар варақаси
- 18-илова. 1-шакл. Титул варақалари пакети
- 2-шакл. Жавоблар варақаси пакети
- 3-шакл. Ишлатилмаган саволлар китоблари пакети
- 19-илова. Тест синовларидан четлаштириш тўғрисида далолатнома
- 20-илова. Тест саволлари ёки тест синовларини ўтказиш жараёни юзасидан эътирозлар бўйича ариза
- 21-илова. Тест натижалари бўйича апелляция шикояти

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда) ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда) қонунларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 июлдаги 203-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 28-сон, 318-модда) билан тасдиқланган Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетининг Уставига асосан Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетига (бундан буён матнда таълим муассасаси деб юритилади) номзодларни (бундан буён матнда абитуриент деб юритилади) ўқишга қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

## **I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (бундан буён матнда Давлат тест маркази деб юритилади) томонидан ўтказилади.

2. Тест синовларини ташкил этиш ва уларни адолатли ўтказиш масъулияти, мазкур Низом талабларига қатъий риоя этган ҳолда Давлат тест маркази вакиллари, таълим муассасаси қабул комиссияси (бундан буён матнда қабул комиссияси деб юритилади) раиси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва улар томонидан тайинланадиган аудиториялар раҳбарлари зиммасига юкланади.

3. Тест синовлари ўтказиладиган куни Давлат тест марказининг тегишли рухсатномасига эга бўлмаган шахсларнинг тест синовлари ўтказиладиган ҳудуд ва биноларга кириши тақиқланади.

4. Давлат тест маркази вакилларига бошқа тизим ходимлари топшириқ ёки кўрсатма беришга ҳақли эмас.

5. Тест синовлари ўтказиладиган кун Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 июлдаги 203-сон қарори билан тасдиқланган Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетининг Уставида белгиланган муддатларда Мудофаа вазирлиги томонидан Давлат тест маркази билан келишган ҳолда белгиланади.

## **II БОБ. ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЎТКАЗИШ**

1-§. Қабул комиссияларини ташкил этиш ва уларнинг вазифалари

2-§. Тест синовларини ташкил этиш ва ўтказишда

Давлат тест марказининг асосий вазифалари

3-§. Тест синовларини ташкил этиш ва ўтказишда

Давлат тест маркази вакиллариининг вазифалари

4-§. Тест синовларини ташкил этиш ва ўтказишда маҳаллий

давлат ҳокимияти органларининг асосий вазифалари

5-§. Тест синовларини ўтказишда аудитория

раҳбари ва кузатувчиларнинг вазифалари

6-§. Тест синовлари ўтказиладиган бино

ва аудиторияларни тест синовларига тайёрлаш

7-§. Тест синовларида видеотасвирни ташкил қилиш

8-§. Тест синовларини ўтказиш ва натижаларни аниқлаш

### **1-§. Қабул комиссияларини ташкил этиш ва уларнинг вазифалари**

6. Таълим муассасасида абитуриентларни ўқишга қабул қилишни сифатли ташкил этиш мақсадида белгиланган тартибда қабул комиссияси ташкил этилади.

7. Қабул комиссияси раиси томонидан тест синовларини ўтказиш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш мақсадида қабул комиссиясининг иш режаси тасдиқланади.

8. Қабул жараёнини юқори даражада уюшқоқлик билан, тартибли равишда ташкил этиш, тест синови жараёнининг ҳолисона ва адолатли ўтишини таъминлаш, абитуриентларга уларнинг тест синовлари жараёнидаги вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, тест синовларини ўтказиш билан боғлиқ барча зарур шароитларни яратиш ҳамда тест синовлари натижалари бўйича абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига тўлиқ маълумотлар бериш қабул комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади.

9. Қабул комиссияси ўзига белгиланган вазифаларни қуйидаги тартибда амалга оширади:

қабул жараёни бошланадиган кунга қадар қабул комиссиясининг эълонлар тахтасида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 июлдаги 203-сон қарори билан тасдиқланган Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетининг Устави, мазкур Низом, шунингдек тест ўтказиладиган фанлар рўйхатини ва қабул жараёнига оид

маълумотларни ҳар куни эълон қилиб боради ва тест синови натижаси эълон қилинганга қадар олинмаслигини таъминлайди;

тест синовлари ўтказилишидан 10 кун олдин тест синовларини топширишга тавсия этилган абитуриентлар ҳақидаги (махсус код, қайд рақами, таълим муассасасининг номи, фуқаролиги, фамилияси, исми, отасининг исми, миллати, жинси, паспорт серияси ва рақами, яшаш жойи, туғилган йили ва жойи, ижтимоий келиб чиқиши, таълим олаётган таълим муассасаси номи ва манзили, таълим тили) маълумотларни Давлат тест маркази томонидан тақдим этилган махсус дастур орқали маълумотлар базасига хатосиз киритади ҳамда уларнинг электрон суратларини, мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган шакл бўйича абитуриентлардан тушган аризалар ҳақидаги маълумотлар билан бирга Давлат тест марказига тақдим этади;

мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган шаклдаги титул варақасини, мазкур Низомнинг 3-иловасида келтирилган шаклдаги абитуриент рухсатномасини, мазкур Низомнинг 4-иловаси 1-шакли бўйича абитуриентларнинг умумий рўйхатини ва мазкур Низомнинг 4-иловаси 2-шакли бўйича абитуриентларга рухсатномаларни тарқатиш қайдномасини чоп этиш бўйича Давлат тест маркази билан шартнома тузади;

тест синови ўтказилишидан 7 кун олдин Давлат тест марказидан белгиланган тартибдаги абитуриентларнинг умумий рўйхатини электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда қабул қилиб олади ва уни шу кунинг ўзида эълонлар тахтасига жойлаштиради;

тест синови ўтказилишидан 3 кун олдин Давлат тест марказидан абитуриент рухсатномалари ва абитуриентларга рухсатномаларни тарқатиш қайдномаларини қабул қилиб олади;

тест синови ўтказилишидан 2 кун олдин тест синовлари ўтказиладиган биноларда абитуриентларни тест синови ўтказиш тартиби билан яна бир бор таништириш мақсадида маслаҳат пунктларини ташкил қилади ва абитуриентларга "Абитуриент рухсатнома"сини тарқатади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда тест синовлари ўтказиладиган бино ва аудиторияларни 6-параграфда белгиланган тартиб бўйича тайёрлайди ҳамда абитуриентларни бино ҳудуди ва бинога ўз вақтида тартибли киритиш учун ҳар бир бино эшигида назорат хизмати постларини, шунингдек мазкур бобнинг 7-параграфида белгиланган тартибга асосан видеотасвирни ўрнатилишини таъминлайди;

тест синови ўтказилишидан 2 кун олдин тест синови ўтказиш учун тайёрланган биноларни Давлат тест марказининг бино вакилига топширади ва бу ҳақда мазкур Низомнинг 5-иловаси 1-шакли бўйича бинонинг тест синовларига тайёрлиги тўғрисидаги баённомани расмийлаштиради;

тест синови ўтказилишидан 1 кун олдин репетицияни ташкил этади ва ўтказилади. Шу кун соат 7.30 га қадар Давлат тест маркази директорининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган мазкур Низомнинг 5-иловаси 2-шакли бўйича бино ҳудудига киришга рухсат берилган Давлат тест маркази вакиллари (муассаса, бино, ҳудуд ва қават вакиллари), видеооператорлари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари рўйхатини олади ҳамда назорат хизмати постларига топширади;

репетиция тугагач, мазкур Низомнинг 5-иловаси 3-шаклига мувофиқ бинода репетиция ўтказиш баённомасини расмийлаштиришда иштирок этади;

компьютер техникалари, нусха кўчириш ва алоқа воситалари сақланадиган хоналар, тест синовлари ўтказилмайдиган аудиториялар, турли қўшимча хоналар ва қаватларнинг кириш-чиқиш эшиклари ҳамда тест синовлари ўтказиладиган аудитория ва хоналар белгиланган тартибда алоҳида текширувдан ўтказилгандан сўнг муҳрланишида иштирок этади;

Давлат тест марказидан тест синови натижалари қайдномаси билан бирга, абитуриентни тест синови натижаси билан боғловчи ягона ҳужжат ҳисобланган, абитуриент томонидан белгиланган тартибда тўлдирилган титул варақаларининг асл

нусхаларини ва тўлдирилмаган титул варақаларининг нусхаларини Давлат тест марказидан текшириб, мазкур Низомнинг 6-илоvasида келтирилган титул варақалари солинган пакетни очиш ҳақида далолатнома асосида қабул қилиб олади ва белгиланган тартибда тўлдирилмаган титул варақаларининг асл нусхаларини Давлат тест марказида қолдиради;

тест синови натижаларини Давлат тест марказидан олган куни таълим муассасасида эълон қилади ҳамда абитуриентларга тест синови натижалари бўйича тўлиқ маълумот беради.

10. Қабул комиссиясига юклатилган барча вазифаларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича жавобгарлик қабул комиссиясининг раиси ва масъул котиби зиммасига юклатилади.

## **2-§. Тест синовларини ташкил этиш ва ўтказишда Давлат тест марказининг асосий вазифалари**

11. Давлат тест маркази тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ қуйидаги вазифаларни бажаради:

тест материалларининг сифатли, нуқсонсиз тайёрланишини таъминлайди ҳамда махфийликни сақлаган ҳолда тайёрлайди ва чоп этади;

таълим муассасаларидан мазкур Низомда қайд этилган барча маълумотлар ва маълумотлар базаларини электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда қабул қилиб олади ва ишлов беради;

Давлат тест маркази вакиллари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларини таълим муассасаси бўйича тақсимотини амалга оширади;

абитуриентларнинг аудиториялар бўйича рўйхатларини шакллантиради;

тест материалларини фельдъегерлик хизмати ходимларига топширади ва улардан қабул қилиб олади;

қабул комиссиясига тест синови натижалари билан бирга тўлдирилган титул варақаларини топширади;

бажарилган тест топшириқларини текширади ва натижасини чиқаради;

тест материалларини таҳлил қилади.

12. Давлат тест маркази тест синовларини ташкил этиш ва ўтказишда қуйидаги ишларни бажаради:

аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари учун ўтказиладиган семинар машғулотлари бўйича дастур ишлаб чиқади ва таълим муассасасига тақдим этади;

таълим муассасасидан тест синовларини ўтказиш режалаштирилган бино ва аудиториялар ҳақидаги маълумотларни мазкур Низомнинг 7-илоvasи 1 - 6-шакллари асосида қабул қилади, таҳлил қилади, белгиланган тартибга жавоб берадиган бино ва аудиторияларнинг режа-чизмаларини тасдиқлайди;

тест синови ўтказилишидан 10 кун олдин аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари учун ўтказиладиган семинар машғулотларининг талаб даражасида ташкил этилиши ва ўтказилишини назорат қилади ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган Давлат тест маркази вакиллари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари ҳақидаги маълумотлар базаларини электрон рақамли имзо билан тасдиқланган шаклда қабул қилади;

тест синови ўтказилишидан 3 кун олдин алфавит тартибда чоп этилган абитуриентлар рухсатномалари ва абитуриентларга рухсатномаларни тарқатиш қайдномасини электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда қабул комиссиясига топширади;

тест синови ўтказилишидан 1 кун олдин Давлат тест маркази вакиллари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларини қуръа ташлаш йўли билан бинолар бўйича тақсимотини электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда қабул комиссиясига тақдим этади;  
Давлат тест маркази вакилларининг ўз вазифаларини аниқ билишини таъминлайди.

### **3-§. Тест синовларини ташкил этиш ва ўтказишда Давлат тест маркази вакилларининг вазифалари**

13. Давлат тест маркази вакиллари манфаатдор вазирликлар ва идоралар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тавсияси асосида давлат ва жамоат ташкилотлари ходимларидан танлаб олинади.

14. Давлат тест маркази томонидан тест синовлари жараёнига жалб этилган Давлат тест маркази вакиллари билан шартнома тузилади.

15. Давлат тест марказининг таълим муассасаси бўйича вакили (бундан буён матнда муассаса вакили деб юритилади) Давлат тест марказининг бино бўйича вакили (бундан буён матнда бино вакили деб юритилади), Давлат тест марказининг бино ҳудуди бўйича вакили (бундан буён матнда ҳудуд вакили деб юритилади) ва Давлат тест марказининг қават бўйича вакили (бундан буён матнда қават вакили деб юритилади) фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ҳамда мазкур Низом талаблари асосида фаолият юритиши устидан назорат ўрнатади. Бино вакили қават вакилларининг фаолиятига умумий раҳбарлик қилади. Қават вакили аудитория раҳбарлари фаолиятини бошқаради.

Ваколати доирасида қават вакили бино вакилининг, бино вакили муассаса вакилининг, муассаса вакили Давлат тест марказининг масъул ходими раҳбарлигида фаолият юритади.

16. Давлат тест маркази вакилларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:  
тест синовларини ўтказиш тартибини мукамал билиш;  
маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, қабул комиссияси билан ҳамкорликда аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари сифатида жалб этиладиган ходимлар учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисида амалий семинар машғулотларини ўтказиш;  
ўзига бириктирилган таълим муассасаси, бино, қаватда тест синови ўтказиш тартибига қатъий риоя қилиниши, тест синовининг ҳолисона ва адолатли ўтказилишини таъминлаш;  
тест синови жараёнида аудитория раҳбарига амалий ёрдам кўрсатиш;  
тест синовлари ўтказиладиган таълим муассасаси ҳудудига кириш жойидаги назорат постида микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли алоқа воситалар ҳамда шу каби турли хил тақиқланган воситалар ва шпаргалкалар олиб киришга уринган абитуриентларни тест синовидан четлаштириш бўйича далолатномани расмийлаштириш.

17. Давлат тест маркази вакилларининг тест синови ўтказиладиган бинога ён дафтарча, сумкача, уяли алоқа воситалари ва шунга ўхшаш тақиқланган буюмлар билан киритилиши тақиқланади.

18. Муассаса вакили қуйидаги тартибда фаолият юритади:  
тест синови ўтказилишидан 2 кун олдин қабул комиссияси масъул котиби билан биргаликда ўзига тегишли бино, қават ва аудиторияларнинг тест синовларига тайёрлигини текширади, аниқланган камчиликларни бартараф этади. Қабул комиссияси масъул котибидан Давлат тест марказига тасдиқланган ҳолда тақдим этилган дислокация ҳужжатлари асосида бинони қабул қилади ва мазкур Низомнинг 5-илоvasи 1-шакли

асосида бинонинг тест синовларига тайёрлиги тўғрисидаги баённомани расмийлаштиради;

тест синови ўтказилишидан 1 кун олдин соат 8.00 дан бошлаб маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, қабул комиссияси, аудитория раҳбарлари ва кузатувчилар иштирокида тест синовларига тайёргарлик кўриш учун репетиция ўтказиши ҳамда бинода репетиция ўтказиш баённомасини расмийлаштиради ва шу куни Давлат тест марказига тақдим этади.

19. Муассаса вакили тест синовлари ўтказиладиган куни қуйидаги вазифаларни бажаради:

соат 6.00 дан кечикмасдан таълим муассасасига етиб келади ва ҳудудга назорат хизмати постлари орқали паспорти билан киради;

соат 6.15 гача Бош штабда бино вакиллари иштирокида фельдъегерлик хизмати ходимларидан тест материалларини муҳри бузилмаганлигини текшириб, қабул қилиб олади;

мазкур Низомнинг 8-иловаси асосида бино вакилларининг бинолар бўйича тақсимотини эълон қилади;

келмаган бино вакили ўрнига захирадаги вакиллардан бирини тайинлайди;

соат 6.30 гача мазкур Низомнинг 9-иловасида келтирилган бинолар бўйича тест материалларини тарқатиш ва қабул қилиш баённомаси асосида бино вакилига тест материалларини тарқатади ва тегишли устунини расмийлаштиради;

таълим муассасасида тест синовларининг ўз вақтида бошланиши ва белгиланган вақтда тугашини назорат қилади;

ваколати доирасида юзага келган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўради;

соат 13.10 гача мазкур Низомнинг 9-иловасида келтирилган бинолар бўйича тест материалларини тарқатиш ва қабул қилиш баённомаси асосида бино вакилидан тест материалларини қабул қилиб олади ва тегишли устунни расмийлаштиради;

ўз вақтида топширилган тест материалларини бино вакиллари иштирокида фельдъегерлик хизмати ходимларига топширади. Бу ҳақда Давлат тест марказига телефон орқали хабар беради. Бино бўйича сабабсиз ўз вақтида олиб келинмаган тест материалларини қабул қилмайди, ҳисобот шаклининг бошқа муаммолар қисмига бу ҳақда батафсил маълумот киритади;

соат 14.10 гача мазкур Низомнинг 10-иловаси 1 ва 2-шакллари асосида тайёрланган қават вакили ҳисоботи, бино вакили ҳисоботи, бино бўйича тўлдирилган барча шакллар, расмийлаштирилган далолатномалар, тестга келмаган Давлат тест маркази вакиллари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари рухсатномалари, тест материалларини тарқатиш ва йиғиб олиш баённомалари, абитуриентларнинг бинога кириш жараёни видеотасвири солинган ва муҳрланган махсус пакетларни қабул қилиб олади ҳамда мазкур Низомнинг 10-иловаси 3-шакли асосида муассаса вакили ҳисоботи билан биргаликда тест синови ўтказилган куни соат 18.00 гача Давлат тест марказига топширади;

20. Бино вакили тест синовлари ўтказиладиган куни қуйидаги вазифаларни бажаради:

соат 6.30 гача Бош штабда муассаса вакилидан бино бўйича қават вакиллари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари рўйхатларини, уларнинг ва видеооператорлар рухсатномаларини, шунингдек тест материалларини қабул қилиб олади ҳамда бинога соат 6.40 гача етиб боради;

захира тест материаллари солинган қутиларни сейфга жойлаштиради ва муҳрлайди;

соат 7.00 гача қават вакиллари орқали мазкур Низомнинг 11-иловаси 1-шакли асосида қават вакили, аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари тақсимотини эълон қилиб, уларга ва видеооператорларга рухсатномаларни тарқатади. Келмаган қават вакиллари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари ўрнига захирадан тайинлайди ва бу ҳақда мазкур

Низомнинг 11-илоvasи 2-шаклида келтирилган Тест синовларига келмаган Давлат тест маркази вакиллари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари тўғрисида далолатномани расмийлаштиради;

соат 7.00 га қадар бино бўйича тўлдирилган барча шакллар, расмийлаштирилган далолатномалар ҳамда тест синови жараёнига келмаган Давлат тест маркази вакиллари, аудитория раҳбарлари, кузатувчилар рухсатномаларини махсус пакетга солиб муҳрлайди;

соат 7.00 да ҳудуд вакилига мазкур Низомнинг 12-илоvasига мувофиқ абитуриентларнинг бино ва гуруҳлар бўйича умумий рўйхатини, аудитория раҳбарларига абитуриентларнинг аудиториялар бўйича рўйхатини ва абитуриентларнинг гуруҳлар бўйича титул варақалари солинган пакетларни беради;

соат 8.15 гача қават вакиллари орқали мазкур Низомнинг 13-илоvasи 1-шаклида келтирилган Бинода тест материалларини тарқатиш ва қабул қилиш баённомаси асосида тест материаллари кутилларини аудитория раҳбарларига топширади ва бу ҳақда баённоманинг тегишли устунларини расмийлаштиради;

соат 9.00 гача қават вакилларининг абитуриентлар томонидан тест материалида типографик нуқсон борлиги ҳақидаги мурожаати юзасидан зудлик билан захира қутисидан таълим йўналиши, таълим тилига мос тест материалларини олиб қават вакилига беради ва бу ҳақда мазкур Низомнинг 13-илоvasи 2-шаклига мувофиқ Захира тест материалларини тарқатиш баённомасини расмийлаштиради;

соат 11.40 гача абитуриентларнинг тест топширишини назорат қилиб боради ва тест жараёнида муаммо пайдо бўлса, зудлик билан ҳал қилади;

аудиторияда тест синовини ўтказиш тартибини бузган абитуриентларнинг тест синовидан четлаштирилиши ва бу ҳақда далолатнома тузилишини назорат қилади;

соат 12.40 гача қават вакиллари орқали мазкур Низомнинг 13-илоvasи 1-шаклида келтирилган Бинода тест материалларини тарқатиш ва қабул қилиш баённомаси асосида аудитория раҳбарларидан тест материаллари кутилларини муҳрланган ҳолда қабул қилиб олади, баённоманинг тегишли устунларини расмийлаштиради ҳамда ўз вақтида топширган аудитория раҳбарлари рухсатномасининг тегишли жойларини тўлдириб имзо қўяди, шунингдек аудиториядан сабабсиз ўз вақтида олиб келинмаган тест материаллари кутилларини қабул қилмайди ва ҳисобот шаклининг бошқа муаммолар қисмига бу ҳақда батафсил маълумот киритади;

соат 13.10 гача қават вакиллари иштирокида муҳрланган тест материаллари кутилларини қопларга солиб муҳрлайди. Муҳрланган тест материалларини Бош штабга олиб боради ва таълим муассасаси вакилига топширади ҳамда фельдъегерлик хизмати ходимларига топширилишида иштирок этади;

соат 14.10 гача қават вакилларида ҳисоботларни қабул қилади ва мазкур Низомнинг 10-илоvasи 2-шакли бўйича бино вакили ҳисоботини ёзади. Бино бўйича тўлдирилган барча шакллар, расмийлаштирилган далолатномалар, баённомалар, тестга келмаган Давлат тест маркази вакиллари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари рухсатномалари, абитуриентларнинг бинога кириш жараёни видеотасвири солинган ва муҳрланган махсус пакетни муассаса вакилига топширади.

21. Тўлдирилмаган ёки Давлат тест марказига келтирилмаган шакллар учун бино вакили шахсан жавобгар ҳисобланади.

22. Қават вакили тест синовлари ўтказиладиган куни қуйидаги ишларни бажаради:

соат 7.00 гача аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларига бино вакили бошчилигида рухсатномаларни тарқатади ҳамда уларни белгиланган аудиторияларга олиб боради;

ўзига тегишли қаватда аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларининг фаолиятини назорат қилади;



тест синови ўтказилаётган аудиторияда абитуриент томонидан тест синови ўтказиш тартиби бузилиши аниқланганда, аудитория раҳбаридан ушбу ҳолат бўйича тест синовларидан четлаштириш тўғрисида далолатнома расмийлаштирилишини талаб қилади;

тест синови ўтказиш тартибини бузган аудитория раҳбари ёки кузатувчини тест синовидан четлаштиради, уларнинг ўрнига захирадан бошқани тайинлайди ҳамда ушбу ҳолатларни ҳисоботида кўрсатади;

аудиторияларда пакетлар ва тест материаллари қутисини муҳрлашда амалий ёрдам беради;

қаватдаги аудиториялар раҳбарлари томонидан тест материаллари қутиларининг бино вакилига топширилишини назорат қилади;

мазкур Низомнинг 10-илоvasи 1-шакли бўйича қават вакили ҳисоботини ёзиб, бино вакилига топширади.

23. Худуд вакили тест синовлари ўтказиладиган куни қуйидаги ишларни бажаради:

соат 7.00 да бино вакилидан мазкур Низомнинг 12-илоvasида келтирилган шаклда абитуриентларнинг бино ва гуруҳлар бўйича умумий рўйхатини олади ва бино худудида эълонлар тахтасига жойлаштиради;

абитуриентларни бино худуди ва бинога тартибли равишда киришини назорат қилади;

бино худудига киришда тақиқланган воситаларни олиб киришга ҳаракат қилган абитуриентларни четлаштириш ва тегишли далолатномани расмийлаштиришда иштирок этади.

24. Тест синови давомида мазкур Низомнинг 66-бандида кўрсатилган салбий ҳолатларни содир этган қават вакили бино вакили томонидан, бино вакили муассаса вакили томонидан, муассаса вакили Давлат тест маркази масъул ходими томонидан тест синовидан четлаштирилади, ўрнига захирадан бошқа вакил тайинланади ҳамда бу ҳақда номзодни тавсия этган ташкилотга маълум қилинади. Барча ҳолатлар тегишли ҳисоботларда кўрсатилади.

#### **4-§. Тест синовларини ташкил этиш ва ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг асосий вазифалари**

25. Туман (шаҳар) ҳокимликлари таълим муассасасининг мурожаатига асосан қуйидаги ишларни амалга оширади:

бино ва аудиторияларни мазкур Низомнинг 6-параграфида белгиланган тартиб бўйича тест синовига тайёрлаш ва тест синовини ўтказиш билан боғлиқ барча зарур шарт-шароитларни яратишда амалий ёрдам беради;

тест синови иштирокчиларига уларнинг вазифаларини тушунтиради ҳамда Давлат тест маркази вакиллари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларининг ўқув-семинар машғулотларига, репетицияга ва тест синовларига ўз вақтида етиб келишини таъминлайди.

26. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида тест синовларининг тартибли ўтишини таъминлайди.

#### **5-§. Тест синовларини ўтказишда аудитория раҳбари ва кузатувчиларнинг вазифалари**

27. Аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари аудиторияларга Давлат тест маркази томонидан қуръа ташлаш йўли билан тақсимланади.

28. Аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари томонидан бинога тақиқланган буюмларни олиб кирилиши ман этилади. Тест синовии ўтказиладиган аудиторияда тест синовларини мазкур Низом талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда тўғри ва адолатли ўтказилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик аудитория раҳбари зиммасига юкланади.

29. Ҳар бир аудиторияга 1 нафар аудитория раҳбари, 15 нафар абитуриент учун 1 нафар кузатувчи бириктирилади. Кузатувчи ўзи масъул ҳисобланган абитуриентларга тест материалларини тарқатиш ва йиғиб олиш ҳамда тест синовини белгиланган тартибда ўтказилишига масъул ҳисобланади. Аудитория раҳбари кузатувчилар фаолиятини назорат қилади ва мазкур Низомнинг 14-иловасида келтирилган Аудиторияда тест синовини ўтказиш баённомасини расмийлаштиради.

30. Тест синовлари ўтказиладиган куни аудитория раҳбари ва кузатувчиси ўзига бириктирилган бинога соат 6.30 дан кечикмасдан паспорти билан етиб келади. Соат 7.00 гача бино штабида рухсатномасини олади ва имзо қўяди ҳамда рухсатномасида кўрсатилган аудиторияга мазкур Низомнинг 15-иловасига мувофиқ тўлдирилган абитуриентларнинг аудиториялар бўйича рўйхати билан бориб, исм ва фамилияларини ёзув тахтаси (доска)га ёзиб қўяди.

31. Аудитория раҳбари соат 8.15 гача бино штабида бино вакилидан тегишли титул варақалари солинган пакетни ва тест материаллари қутисини муҳри бузилмаганлигини текшириб қабул қилади, қават вакили бошчилигида аудиторияга олиб келади ҳамда титул варақалари солинган пакетни гувоҳлар иштирокида очиб, кузатувчиларга топширади.

32. Аудитория раҳбари соат 8.30 да аудитория кузатувчилари ва икки нафар абитуриентлар гувоҳлигида тест материаллари қутисини муҳрланганлигига ишонч ҳосил қилиб очади. Тест материаллари қутисидан абитуриентлар сонига мос мазкур Низомнинг 16-иловасида кўрсатилган шаклдаги саволлар китоби ҳамда мазкур Низомнинг 17-иловасида кўрсатилган шаклдаги жавоблар варақаси, мазкур Низомнинг 18-иловаси 1 - 3-шакллари бўйича титул варақалари пакети, жавоблар варақаси пакети ва ишлатилмаган саволлар китоблари пакети, мазкур Низомнинг 19-иловасида келтирилган шаклдаги Тест синовларидан четлаштириш тўғрисида далолатномани, тест материалларини муҳрлаш учун 4 та Давлат тест маркази эмблемалари ва мазкур Низомнинг 14-иловада келтирилган шаклдаги Аудиторияда тест синовини ўтказиш баённомаси мавжудлигини текшириб олади.

33. Аудитория раҳбари абитуриентларга тарқатиш учун жавоблар варақалари ва жавоблар варақаси рақамига мос рақамли саволлар китобларини кузатувчиларга топширади ҳамда мазкур Низомнинг 15-иловасида келтирилган шаклдаги абитуриентларнинг аудиториялар бўйича рўйхатига абитуриентлар томонидан тест материалларини қабул қилиб олганликларини тасдиқлаб, имзо қўйишларини назорат қилади.

34. Аудитория раҳбари соат 9.00 гача қуйидаги ишларни бажаради:  
абитуриентларга жавоблар варақасини букмаслик, жавоблар варақасининг маркер чизиғига ёзмаслик ва жавоблар варақаси рақами остида жойлашган доирачаларни бўямасликни тушунтиради;

абитуриентларга саволлар китоби рақами билан жавоблар варақаси рақами мослигини ҳамда тест материаллари нуқсонсизлигини текшириб чиқишларини, жавоблар варақаси ва саволлар китоби муқовасининг тегишли жойига фамилияси, исми, отасининг исмини ёзиб имзо қўйишларини, титул варақаси ва абитуриент рухсатномасининг тегишли жойига жавоблар варақасидан жавоблар варақаси рақамини хатосиз кўчириб ёзиб имзо қўйишларини ва титул варақасидан жавоблар варақасининг тегишли жойига махсус кодни тўғри кўчириш бўйича кўрсатма беради;

кузатувчилардан тест синовиغا келмаган абитуриентларнинг жавоблар варақалари ва саволлар китобларини санаб қабул қилиб олади;

кузатувчиларга абитуриентлар томонидан тўлдирилган титул варақаларини йиғиб олиш бўйича кўрсатма беради ва улардан соат 9.00 га қадар санаб қабул қилиб олади;

абитуриент саволлар китоби нуқсонли эканлиги ҳақида мурожаат қилганда, нуқсон борлигига шахсан ўзи ишонч ҳосил қилгандан кейин тезкорлик билан қават вакилига мурожаат қилиб, захирадан шу тилга мос бўлган саволлар китоби ва жавоблар варақасини келтириб беришни сўрайди ҳамда абитуриентга нуқсонсиз тест материалларини топширади;

нуқсонли тест материаллари (саволлар китоби ва жавоблар варақаси) устига "Нуқсонли" деган ёзув киритади, нуқсонли тест саволлари китоби устига алмаштирилган вақтини, абитуриентнинг фамилияси, исми, отасининг исмини ёзиб имзо қўяди ҳамда нуқсонли тест саволлари китоби ва жавоблар варақасини жавоблар варақаси пакетига солади.

35. Аудитория раҳбари соат 9.00 да тест синови бошланганини эълон қилиб, тест синови бошланган ва тугаш вақтини доскага ёзиб қўяди.

36. Аудитория раҳбари соат 9.20 гача қуйидаги ишларни амалга оширади:

тест синовиغا келмаган абитуриентга тегишли саволлар китобини ишлатилмаган саволлар китоби пакетига солиб муҳрлайди, жавоблар варақасини жавоблар варақаси пакетига солиб қўяди ва мазкур Низомнинг 15-иловасида келтирилган абитуриентларнинг аудиториялар бўйича рўйхатига тест синовиغا келмаган абитуриент ҳақида "Қатнашмади" деган ёзув киритади;

йиғилган титул варақаларига ёзилган жавоблар варақалари рақамларини абитуриентларнинг аудиториялар бўйича рўйхатига ёзилган жавоблар варақалари рақамлари билан мослигини бирма-бир текшириб чиқади, тегишли жойига имзо қўйиб, титул варақалари пакетига солиб қўяди;

аудиторияда тест синовларини ўтказиш баённомасининг тегишли бандларини расмийлаштиради.

37. Аудитория раҳбари соат 11.40 да тест саволлари билан ишлаш учун ажратилган вақт тугаганлигини ва жавобларни жавоблар варақасига кўчириш учун ажратилган 20 дақиқалик вақт бошланганлигини эълон қилади.

38. Аудитория раҳбари соат 12.00 да тест синови учун ажратилган вақт тугаганлигини эълон қилади ва абитуриентларни ўринларидан туришларини талаб қилади ҳамда кузатувчиларга абитуриентлардан тест материалларини йиғиб олиш бўйича кўрсатма беради. Тест материаллари йиғиб олинганидан сўнг аудитория раҳбари саволлар китоби ва жавоблар варақасига шикаст етмаганлигини текширади ва абитуриентларга тест материалларини топширганлигини тасдиқлаш мақсадида мазкур Низомнинг 15-иловасида келтирилган абитуриентларнинг аудиториялар бўйича рўйхатига имзо қўйдириб, аудиториядан чиқишларини назорат қилади.

Тест синови учун ажратилган вақт тугаганлигини инобатга олмаган абитуриентларнинг тест материалларини қабул қилмайди. Абитуриентларнинг

аудиториялар бўйича рўйхатига "Топширмади" ёзувини киритиб, имзо билан тасдиқлайди, ҳолат бўйича далолатнома расмийлаштиради ва далолатномага абитуриентнинг титул варақасини елимлайди.

39. Аудитория раҳбари соат 12.00 дан 12.20 гача қуйидаги ишларни бажаради:

жавоблар варақаси пакетига тестда қатнашган абитуриентларнинг жавоблар варақаларини, ишлатилмаган жавоблар варақаларини, тест синовидан четлаштирилганлиги ҳақидаги далолатнома елимланган жавоблар варақалари ва титул варақаларини, тест материалларини ўз вақтида топширмаган абитуриентларнинг титул варақалари елимланган далолатномаларни, тест синовига келмаган абитуриентларнинг титул варақаларини, устига "Нуқсонли" деб ёзилган саволлар китоби ва унга тегишли жавоблар варақасини солади;

титул варақалари пакетига тест синовида қатнашган абитуриентларнинг титул варақаларини, абитуриентларнинг аудиториялар бўйича рўйхатини солади;

жавоблар варақаси пакети ва титул варақалари пакети устидаги шаклни расмийлаштиради ва кузатувчилар икки нафар абитуриент гувоҳлигида Давлат тест маркази эмблемаси билан муҳрлайди ҳамда муҳр устидаги тегишли жойга имзо қўяди;

тест материаллари қутисига ишлатилган саволлар китобларини, ишлатилмаган саволлар китоблари пакетини, жавоблар варақаси пакетини, титул варақалари пакетини, аудиторияда тест синовини ўтказиш баённомасини солади;

тест материаллари қутисини кузатувчилар ва икки нафар абитуриент гувоҳлигида Давлат тест маркази эмблемаси билан муҳрлайди ҳамда муҳр устидаги тегишли жойга имзо қўяди.

40. Соат 12.20 дан кечикмай муҳрланган тест материаллари қутисини кузатувчилар билан бирга бино вакилига топширади ва ушбу материалларни ўз вақтида топширганлигини тасдиқлаиб, рухсатномасининг тегишли жойига имзо қўйдиради.

41. Аудиторияда тест синови ўтказиш тартибининг бузилиши, тест синови ўтказиш тартибини бузган абитуриентнинг далолатнома асосида тест синовидан четлаштирилганлиги ёки четлаштирилмаганлиги, тест синови жараёнида ишлатилган шакллар ёки пакетлар устидаги белгиланган жойлар тўлдирилмаганлиги ёки чала тўлдирилганлиги, қутининг аудиторияда муҳрланмаганлиги, пакетнинг тегишли жойига ёзилган ва тасдиқланган ёзувнинг пакет ичидаги тест материаллари сонига мос келмаслиги, аудитория бўйича Давлат тест марказига келтирилмаган тест материаллари ва шикастланган тест материаллари бўйича далолатнома тузилмаганлиги бўйича шахсан аудитория раҳбари жавобгар ҳисобланади.

42. Аудитория кузатувчиси соат 8.00 гача қуйидаги ишларни бажаради:

аудиториянинг тест синовларига тайёрлигини текширади, тест жараёнига салбий таъсир этувчи омиллар аниқланганда, уларни бартараф этиш чораларини кўради;

аудиторияда абитуриентлар бўлса, уларни ташқарига чиқаради аудиториядаги ўтириш ўринлари белгиланган намуна асосида рақамланганлигини текширади;

аудитория раҳбаридан абитуриентларнинг аудиториялар бўйича рўйхати ва титул варақаларини қабул қилиб олади;

абитуриентларни титул варақаси, абитуриент рухсатномаси ва паспорти асосида текшириб (расмлар шу абитуриентга тегишлилигига ишонч ҳосил қилиб), абитуриентларнинг аудиториялар бўйича рўйхати асосида аудиторияга киритади;

абитуриентга титул варақасини топшириб, титул варақасида кўрсатилган жойга бориб ўтириши ҳақида кўрсатма беради;

тест синовига келмаган абитуриентнинг ўрни тест синови давомида бўш қолишини таъминлайди;

тест синовига келмаган абитуриентларга тегишли титул варақаларини санаб аудитория раҳбарига топширади.

